



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

Айсаков Хамидулла Хабибуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227810>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10th April 2025

Published: 16 th April 2025

KEYWORDS

Терроризм, Ўзбекистон,
халқаро ҳамкорлик, минтақавий
хавфсизлик, қонунчилик, глобал
хавфсизлик, ташаббуслар,
интеграция, барқарорлик.

ABSTRACT

Мақола Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликдаги ташаббусларига бағишланган. Унда мамлакатнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаол иштироки, шу жумладан, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги, қонунчилик ташаббуслари ва минтақавий платформалардаги роли ёритилган. Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги стратегик ёндашуви, унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси ва минтақадаги барқарорликка қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилгани, одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари бекор қилингани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқот фаоллашиб бораётгани, экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинаётгани, оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ошаётганлиги мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаси ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон терроризмга қарши курашнинг ўзига хос тарихига эга бўлиб, бунда мустақилликка эришгандан сўнг радикал ғояларнинг тарқалиши оғир ижтимоий-иқтисодий вазият, минтақада кўшимча беқарорлик ўчоқларининг пайдо бўлиши, ҳокимиятни дин орқали қонунийлаштириш ва мустаҳкамлашга уринишлар бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам халқаро терроризм ва экстремизм таҳдидлари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда ва бу ҳушёрликни кўздан қочирмасликни, ўз вақтида чора кўришни, миллионлаб инсонлар фаровонлиги учун экстремистик ғояларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганишни талаб этади. Шу билан бирга терроризмга қарши кураш шароитида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда охириги 10 йил ичида бирорта ҳам теракт содир этилмаган бўлишига қарамадан, мамлакат фуқаролари иштирок этган Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги

жанговар ҳаракатларда, шунингдек, Ўзбекистондан келган муҳожирларнинг АҚШ, Швеция, Туркияда террорчилик ҳаракатларига жалб этилиши аҳолини дерадикализация қилиш муаммосига ёндашувни қайта кўриб чиқиш ва профилактика чораларининг самарадорлиги даражасини ошириш заруратини туғдирмоқда.

Терроризм бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг тинч ҳаётига жиддий хавф солиши, мазкур давлатларнинг минтақада хавфсизлик чораларни кучайтиришни талаб этади. Ушбу давлатлар ҳудудида терроризмга қарши самарали курашни таъминлаш мақсадида қўшма аксилтеррор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, жумладан, 2002 йил 7 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси; 2001 йил 15 июндаги Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси ва 2002 йил 7 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисидаги келишув имзоланган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирлар террористик фаолияти билан бирга жумладан, қўйидагиларни тўхтатиш мақсадида ўтказилади: террористлар томонидан гаровга олинган кишиларни озод этиш; технологик ва экологик хавфи юқори бўлган объектларни, атом саноати, транспорт, энергетика, кимёвий ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни қайтариб олиш; портловчи ёки тузилиши мураккаб бўлган шикастлантирувчи ускунани зарарсизлантириш; террористлар, террористик гуруҳлар, шундай фаолият билан шуғулланувчи жиноий ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш каби ҳаракатлар томонлар ўртасида ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси Бош Прокуратураси ўртасидаги мазкур соҳага доир битимда “миллий хавфсизликка, конституциявий тузумни куч билан ўзгартиришга қаратилган жиноий тажовузларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш, халқаро терроризм ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашишга доир масалаларда тезкор ҳамкорлик қилиш ҳамда касбий алоқаларни кенгайтириш мақсадида терроризм, сепаратизм, экстремизмга қарши кураш соҳасида томонлар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиши” каби қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани икки давлат ўртасида терроризм, сепаратизм, экстремизмга қарши курашишда ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Тошкент декларацияси ва Қўшма ҳаракатлар режаси қоидалари илгари қабул қилинган ҳужжатлар – Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги Ашхобод декларацияси (2011, 2017 йиллар), Терроризмга етакловчи зўравон экстремизм ва радикаллашувга қарши курашишда ёшларнинг ролини ошириш тўғрисидаги Самарқанд декларацияси (2018 йил), “Терроризмга, уни молиялаштириш манбалари, жумладан гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик” мавзусидаги олий даражали халқаро конференция яқунлари бўйича Душанбе декларацияси (2019 йил)нинг изчил ва мантиқий давомидир.

БМТнинг 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган Глобал аксилтеррор стратегиясининг тўртта асосий қисмидан биттаси инсон ҳуқуқлари мавзусига бағишланган. Ушбу бўлим “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон миқёсида ҳурмат қилиниши ва қонун устуворлигини терроризмга қарши курашнинг асосий таянчи сифатида таъминлаш бўйича чора-тадбирлар” деб номланганини қайд этиш лозим.

Глобал аксилтеррор стратегиясида эътироф этилганидек, терроризмга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган таъсирчан чора-тадбирларнинг бири бошқасини асло инкор этмайди. Аксинча, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб, терроризм жабрланувчиларининг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”даги олтинчи устувор йўналиш “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” деб номлангани бежиз эмас.

Айниқса, ушбу устувор йўналишнинг “Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш” сарлавҳали 82-мақсади муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда Тараққиёт стратегияси доирасида, жумладан:

- экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва бундай таъсирга тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш;
- аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш;
- экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;
- дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;
- хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;
- фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;
- Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;
- Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;
- дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш каби муҳим масалалар доирасида изчил ишлар бошлаб юборилган.

Халқаро конференцияда инсон ҳуқуқлари масалаларига катта эътибор қаратилаётгани, таъбир жоиз бўлса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида илгари сурган “Инсон қадри учун” тамойили билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳангдир. Буни анжуман доирасида “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон миқёсида ҳурмат қилиниши ва қонун устуворлиги таъминланиши – терроризмга қарши курашнинг асосий таянчи” мавзуси алоҳида сессия мажлисида муҳокама қилиниши кўзда тутилаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Мамлакатимиз БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган.

Бундан ташқари, бу борада мамлакатимизда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин

қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

2022 йил 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида “БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзуида ўтказиладиган халқаро конференция ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Ушбу глобал анжуман минтақа мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини терроризмга қарши ҳамжиҳатлик билан курашиш учун бирлашиш ҳамда фаоллашишга даъват этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг

75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди”.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан сўзлаган ушбу нутқида бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилаётгани ҳақида сўз юритар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганини эътироф этди.

Ўз навбатида, Президентимиз: “Биз ушбу стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тарафдоримиз”, деб таъкидлади.

Бўлажак Тошкент халқаро анжумани Ўзбекистон Президентининг айна шу ташаббуси доирасида ташкил этилмоқда. Конференциянинг БМТ шафелигида, халқаро ва минтақавий ташкилотлар иштирокида ўтказилаётгани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ва унинг жаҳон минбарларидан эълон қилинган ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг ҳамда қатъий қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда Марказий Осиё ҳудуди минтақавий ривожланишнинг барча жиҳатларига – сиёсат ва иқтисодиёт, экология ва маданий-гуманитар мезонларга таъсир кўрсатувчи жиддий геосиёсий ўзгаришлар даврини босиб ўтмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қайд этганидек, “Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган”.

Бундай ёндашув минтақанинг ялпи сиёсий-иқтисодий ва маданий-гуманитар манзарасига ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Ушбу сиёсат асосини “Марказий Осиёни хавфсизлик, изчиллик ва барқарор ривожланиш минтақасига айлантириш устуворлиги” ташкил этади. Ҳозирги пайтда минтақамизда, коронавирус пандемиясининг оқибатларига қарамай, ҳамкорликнинг чуқурлашуви бўйича барқарор тенденция кузатилмоқда.

2021 йил 16 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида “Терроризм ва инсон ҳуқуқлари” номли 76/169-сонли резолюция қабул қилинди. Резолюцияда терроризм ҳамда терроризм учун шароит яратадиган зўравонлик экстремизмининг барча хуружлари, усул ва амалиётлари, қайси шакл ва кўринишда юз бериши, қаерда ва ким томонидан содир этилиши, қандай мотивация ё молиявий, моддий ёки сиёсий қўллаб-қувватлаш негизида содир этилишидан қатъи назар, халқаро ҳуқуққа мутлақо мос келмайдиган хатти-ҳаракат сифатида сўзсиз қораланиши таъкидланган.

БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюциясида, шунингдек, терроризм ҳамда терроризм учун шароит яратадиган зўравонлик экстремизми инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини тўла рўёбга чиқаришга ғов бўлишига эътибор қаратилган. Бу салбий омиллар туфайли эса, бир томондан, инсоннинг сиёсий, шахсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириш йўлида тўсиқлар юзага келса, иккинчи томондан, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлиги, ҳукуматларнинг барқарорлиги, ҳуқуқ ва демократиянинг устуворлиги, янада ташвишланарлиси, дунёда фаровон жамиятлар, халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликнинг мавжудлиги улкан таҳдид остида қолади.

Бундан ташқари, 76/169-сонли резолюцияда барча давлатлар ҳукуматларидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачисига унинг зиммасига юкланган вазифа ҳамда мажбуриятларини бажаришида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Махсус маърузачиси Ф.Ни Аолайнни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қўшма халқаро тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

БМТ Махсус маърузачиси Ўзбекистон Президенти билан мулоқоти, шунингдек кенг жамоатчилик иштирокидаги матбуот анжумани ва брифингларда ҳам Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Маълумки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 47-сессияси доирасида 2021 йил 5 июль куни “Сурия ва Ироқдан олиб келинган аёллар ва болаларнинг реабилитацияси ҳамда реинтеграцияси” мавзусида ташкил этилган онлайн-тадбирда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди. Мазкур семинарда Суриянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган “Ал-Ҳол” ва “Рож” лагерларида қарийб 70 минг инсон – 57 давлат фуқаролари ҳисобланувчи асосан аёллар ва болалар оғир аҳволда сақланаётгани ташвиш билан қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2019 йилдан буён Ўзбекистон Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги аёллар ва болаларни қайтариш бўйича бешта “Меҳр” операциясини ўтказди. Можароли ҳудудлардан мамлакатга жами 531 нафар киши олиб келинди.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини можаро зоналаридан, шу жумладан Ироқ ва Суриядан ватанига қайтариш ва реинтеграцияси бўйича ҳаракатларини олқишлади. Бундай саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон каби фаоллик кўрсатган мамлакатлар кам экани эътироф этилди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу саъй-ҳаракатлар болаларни жабрланувчилар сифатида тан олишга ҳамда болалар ва аёллар учун гендер масалалари инobatга олинган ҳамжамиятлар даражасидаги реинтеграция дастурлари ёрдамида уларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигига асослангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Янада муҳими, кучли техник ёрдам кўрсатиш ва инсон салоҳиятини кучайтириш орқали амалга оширилган ушбу саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, демократияни ривожлантириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ватанига қайтиб келган болалар, аёллар ва оилаларнинг жамиятга қайтадан интеграциялашуви, бир томондан, уларнинг ижтимоий жиҳатдан яққаланиб қолишига барҳам берса, иккинчи томондан, жамиятда камбағалликни камайитириш орқали тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

2023 йилнинг 4-5 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) X халқаро илмий-амалий конференцияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича иккинчи конференциясида БМТ Глобал аксилтеррор

стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг ноёб тажрибаси тақдим этилди.

Шунингдек, анжуманда терроризмга қарши кураш борасидаги халқаро ва минтақавий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда БМТнинг ролини кенгайтириш ва давлатлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу мураккаб жараёнларда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, 2021-2026 йилларга мўлжалланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши бу борадаги туб бурилиш бўлди. Ушбу ҳужжатларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари, ҳокимият ва бошқарув органларининг фуқаролик жамияти институтлари, хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Конференция доирасида “Терроризм ва экстремизмга қарши курашда миллий тажриба”, “Халқаро терроризмга қарши ҳамкорлик”, “Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолиятини илмий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш” каби мавзуларда панель муҳокамалари бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар хавфсизликнинг ҳозирги чақириқлари ва таҳдидларини муҳокама қилди. Халқаро ва минтақавий даражада ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қўшма самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ФАЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2006 йил 15 июндаги “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги битим.
2. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси Бош Прокуратураси ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битим.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1995 йил 16 ноябрдаги “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида” битим.
4. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Исомиддинов, С. (2024). Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасининг янги механизмлари тақозо этувчи омиллар таҳлили. *Solution of social problems in management and economy*, 3(3), 63-68.
6. <https://brmnn.uz/uz/newid/93/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябр кундаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сузлаган нуткидан.
8. Исомиддинов, С. (2024). Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 3(6), 14-20.
9. <https://hudud24.uz/news/toshkentda-shkht-va-mdkh-davlatlarining-terrorizmga-karshi-kurash-buiicha-konferentsiiasi-bulib-utadi>
10. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси*. Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь.
11. Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида 2010 йил 11 июндаги “Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги битим.
12. <https://zarnews.uz/post/bmt-bosh-assambleyasining-76-sessiyasi-ozbekistonning-qanday-rejalari-bor>

13. Qushboqov S. X. Usipbekov NJ Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – T. 2. – №. 12. – С. 179-182.
14. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – T. 2. – №. 18. – С. 67-69.
15. Кушбоцов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – T. 2. – №. 5. – С. 114-117.
16. Охунов З., Кушбоцов Ш. ТТСЭ (2022). Хуцубзарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – T. 2. – №. 11. – С. 34-39.
17. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan xamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – T. 3. – №. 23. – С. 96-103.
18. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o 'g 'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – T. 4. – №. 5. – С. 137-144.
19. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – T. 2. – №. 10. – С. 37-39.
20. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – T. 3. – №. 1. – С. 79-84.
21. Кушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – T. 2. – №. 13. – С. 73-76.
22. Охунов З. М., Кушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – T. 2. – №. 11. – С. 34-39.
23. Кушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – T. 2. – №. 2. – С. 49-55.
24. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – T. 1. – №. 4. – С. 58-63.
25. Алтмишев Т., Кушбоцов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид хуцубзарлигини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – T. 3. – С. 112-114.
26. Кушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – T. 2. – №. 4. – С. 35-44.
27. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – T. 1. – №. 27. – С. 16-20.
28. Рустамов С. Кушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – T. 2. – С. 10.
29. Аумаханович, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohrux Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini

takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.

30. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy Jazo Tushunchasi, Maqsadi Va Turlarining Mazmun-Mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.

31. Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'рни //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.

32. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.

33. Кушбоков Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.

34. Кушбоков Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.

